• *Сизга қандай хизмат кўрсатишаяпти?*

**Ёз ойларида темир йўл ҳамда автомобиль транспортига бўлган эҳтиёж кучайиши табиий. Аксарият кишилар бу вақтда дам оладилар, отпускаларини кўнгилли ўтказиш учун санаторийларга, туристик саёҳатларга йўл олишади. Бошқа шаҳарлардаги ёр-биродарлари, қариндош-уруғлариникига қадам ранжида қиладиганлар қанча. Хўш, ана шу талаб кучайган пайтда йўловчиларга касса хизмати қандай ташкил этилмоқда! «Совет Ўзбекистони» мухбирлари шу йил 6 август куни Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг олдиндан билет сотиш кассаси ҳамда республика Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигига қарашли шаҳарлараро автостанция кассасида айрим кишилар билан суҳбатлашишди.**

# ЙЎЛОВЧИЛАР НЕГА ХАФА?

**ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛ БОШҚАРМАСИ ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ШАҲАРЛАРАРО АВТОСТАНЦИЯСИ КАССАЛАРИДА НАВБАТДА ТУРГАНЛАР ФИКР БИЛДИРАДИЛАР, МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИЛАР.**

**Йўлдош ЖЎРАЕВ,**
**Китоб районидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси:**

— Ҳамқишлоқларим Ўрол Бойбеков ва Ашур Раҳматуллаевлар билан отпускада Москвага боришни орзулаб йўлга чиққандик. Эрталаб Тошкентга келиб тушдик. Бу ерда Москвага билет олиш мақсадида соат 9 дан буён навбатда турибмиз. Келганимизда 12-кассада 30 дан ортиқ йўловчи бор эди. Соат биргача навбатимиз етмади. Ҳамма кассирлар тушликка чиқиб кетишди. Мана, соат учга қараб кетаяпти, энди кассага саккизинчи бўлиб турибмиз.

Деворларга йўловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қандай эканлиги, уларга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилинаётгани ҳақида турли-туман варақалар осиб қўйилибди. Аммо, бу фақат ёзувда холос. Шунча турган бўлсак касса идорасидан бирорта ҳам хизматчи чиқиб навбатда турганларнинг «ҳолидан хабар» олганини сезмадик. Тартиб-интизом ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шовқин-сурон, бир киши хурсанд бўлса, беш киши хафа.

Қинғир ишларнинг эшиги ҳам қаттиқ бекитилмаган. Учовимиз суҳбатлашиб турганимизда олдимизга бир йигит келди. Тегишли пулга тўққиз сўмдан қўшиб берсак билет олиб бериши мумкинлигини таклиф қилди. Кассада иш тўғри ташкил қилинган бўлса бундай олиб сотарлар, қинғир иш қилувчилар яйраб юрармидилар?!

Чамаси олдиндан билет сотиш кассасида иш суст назорат этилаётганга ўхшайди. Қайси касса қайси манзил учун билет сотиши аниқ кўрсатилса яхши бўларди. Қолаверса, нега ҳамма билет сотувчилар баравар тушликка чиқиб кетиши керак? Ёз мавсумида эҳтиёж кучайишига қараб, касса хизматини белгилангандек соат 20 гача эмас, 22 гача ишлашини ташкил қилса тўғри бўлмайдими?

Қисқаси, ҳозирги аҳвол сафарга чиқаётган йўловчиларнинг кайфиятини кўтариш ўрнига дилини хуфтон қилади.

**Муҳаббат УМАРАЛИЕВА,**
**Андижон область Жалолқудуқ районидаги Димитров номли колхоз аъзоси:**

— Қизим Дилфуза Умаралиева Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлайди. Бетобланиб касалхонага тушган экан. Хабар қилишди. Шошиб келгандик. Мана бир кун унинг ҳузурида бўлиб, хотиржамланиб уйга қайтмоқчимиз. Ростини айтсам, ҳар доим ҳам поездда Тошкентга келиш осону, орқага қайтиш қийин. Кассага келишга юрагинг безиллайди. Бугун ҳам шундай бўлди. Соат 12 да келганмиз. Орадан 3 соат ўтди. Билет тегадими, йўқми ҳайрон бўлиб турибмиз.

Мана, қаранг соат 14.20. Ҳаммаёқ тумонат одам. Аммо 1, 6, 9, 10, 13, 16, 17-кассалар ишламаяпти. Бунқада иш бўладими? Айрим кассаларнинг тепасига соат 13 гача ишлаши ёзиб қўйилибди. Наҳотки, касса бошлиқлари йўловчиларнинг аҳволига ачинишмаса?

Темир йўл транспорти йўловчиларга хизмат қилади. Шундай бўлгач, уларнинг талаби, фикр ва мулоҳазаси инобатга олиниши керак-да. Менимча, шароитга қараб кассаларни кўпайтириш керак эди. Залда навбатчиликни ташкил қилиш лозим. Қолаверса, мавсумий кассалар очиш мумкин эмас-ми? Астойдил изланилса, ҳар қандай масалани ҳал этишнинг йўриғи топилади. Гап иш билан сидқидилдан шуғулланишда қолган.

**Анвар ХОЛТОЖИЕВ,**
**Марғилон шойи комбинати хизматчиси.**

— Қариндошларникига тўйга келгандим. Эртага албатта уйга етиб боришим керак. Шу сабабли қайтишга билет олиш учун соат иккида автостанцияга келдим. Кассаларнинг ярмидан кўпи ишламаяпти. Ишлаётганларида камида 30—40 тадан йўловчи навбатда турибди. Ҳамма куйиб-пишиб билет олиш ташвишида. Ваҳолонки, мана бир ярим соат бўлдики, навбатимиз олдинга силжишидан дарак йўқ.

Шу автостанцияга келсам, доим билет олишга қийналаман. Кейинги пайтда тартиб-интизомнинг мазаси кетди. Йўловчилар шошишади-ю, кассирлар бепарво. Уларга иш соати ўтса бўлди. Ким билади, балки билет сотишда кассирларнинг манфаатдорлиги масаласини ўйлаб кўриш керакдир. Автостанция ошхонасида ҳам аҳвол яхши эмас. Соат 8 дан 20 гача ишлаши ёзиб қўйилибди. Таомларнинг сифати яхши эмас. Овқатларнинг хили кам. Қизиқ, автостанция кеч соат 11-12 гача ишлайверади-ю, аммо ошхонани барвақт бекитиб кетаверишади. Тановул қилишга муҳтож йўловчилар нима қилсин? Йўқ, бу ердаги аҳвол билан келишиб бўлмайди! Автостанция маъмурияти йўловчиларга хизматни талаб даражасига кўтариши керак.

**Фрида КОВРИГИНА,**
**Қозоғистон ССР Еттисой районидаги 301-кўчма механизациялашган колонна бухгалтери.**

— Турли эҳтиёжлар билан ҳафта сайин Тошкентга келиб турамиз. Бегим кунлари билет олиш бир нави-ю, шанба, дам олиш кунлари бу иш катта ташвишга айланади. Айниқса, бизнинг йўналишимизга билет сотадиган 7-касса ишидан норозимиз. Кўпинча одам кўп, ҳа деганда навбатинг етавермайди. Кассирлар ҳам йўловчилар билан қўпол муомалада бўлишади.

Бизни ранжитаётган бошқа масала ҳам бор. Ҳар куни Тошкент — Еттисой маршрутида ўнлаб автобус ҳаракатланади. Аммо, бу автобусларнинг аксарияти йўловчилар талабига жавоб бермайди. Йўловчи манзилга етгунча икки соат атрофида автобусда бўлади. Аммо, уларнинг аксарияти шаҳарларда қатнайдиган қаттиқ ўриндиқли транспорт воситаларидир. Бизнинг бу борадаги илтимос ва сўровларимиз ҳозиргача натижасиз қолиб келяпти. На автостанция маъмурияти, на транспорт таъминоти билан шуғулланувчи Калинин райони ҳамда Тошкент районидаги Келес автопарки раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришмаяпти. Уларнинг назарида энг асосий кўрсаткич — план. Тушум плани бажарилса бўлди. Йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат савияси-чи? Бу борада қачон бугунги куннинг юксак талаблари инобатга олинади. Улардан шуни сўрагим келади.

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча эълон қилинган аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига диққат-эътиборни кучайтириш лозимлиги ҳақидаги қарорида аҳолига транспорт хизматини яхшилаш, навбатда туришларни камайтириш учун темир йўл ва авиабилетларни олдиндан сотувчи кассалар ишини мунтазам текшириб туриш, зарур ҳолларда уларнинг кеча-ю кундуз ишлашини ташкил этиш, шаҳарлараро автобусларнинг келиши, жўнаши графикларини корхоналар ҳамда ташкилотларнинг иш режими билан мослаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди. Юқоридаги аҳвол кассаларда йўловчиларга хизмат савияси ҳамон эскича қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хўш, бу борада қачон бурилиш ясалади. Бу ҳақда Ўрта Осиё темир йўли ҳамда Тошкент шаҳарлараро автостанцияси раҳбарларидан жавоб кутамиз.**





## Фотолавҳалар

**Сурхондарё областининг Сариосиё районидаги Қорасув посёлкасида яқинда «Сизнинг уйингиз» номли магазин ўз харидорларига қучоқ очди. Бу ердан турли уй-рўзғор буюмлари, маиший товарлар сотиб олиш мумкин.**

**Суратларда: 1. Магазин директори С. Саидов харидорлар буюртмаларини ёзиб олмоқда. 2. Имомалиевалар оиласи ўз уйларига мебель танламоқдалар.**

**Г. ЕҚУБОВ** фотоси.

# ВАЪДАЛАР СУВ ЎРНИНИ БОСОЛМАЯПТИ

Тошкент шаҳар «Обувная» маҳалласига қарашли Баҳодир, Зимняя, Танкистов ва Дружба кўчалари илгарилари обод, кўкаламзорлиги билан эътиборни жалб қиларди. Кўчаларнинг икки канотидаги турли мевали дарахтлар, нав-ниҳоллар, гулзорлар кўзни қувонтирарди.

Энди-чи? Улар қуриб, йўқолиб бормоқда. Ниҳол сув билан тирик, деганларидек 1986 йили йўл ёқасидан шариллаб оқадиган ариқ устига сабзавот дўкони қурилди-ю, сув оқмай қўйди. Хонадонлардаги нав-ниҳоллар, экинлар ҳам қовжирай бошлади. Ариқни асл ҳолатига келтириш тўғрисида ёрдам сўраб Фрунзе район Совети ижроия комитетига мурожаат қилдик. Ваъда беришди, амалга ошмади. Бир оз вақт ўтгач, район партия комитетига ариза ёздик. У ердан ҳам масъул вакиллар келишди. Ваъда яна қуруқ бўлди, бироқ натижадан дарак бўлмади. Ҳа, дарвоқе маълум ўзгариш қилинди —сабзавот дўкони ўрнига катта озиқ-овқат магазини қурилди. Бундай қулайликдан маҳалла аҳли миннатдор бўлди. Лекин асосий талабимиз қондирилмаганидан ранжидик.

Шу йилнинг май ойида мана шу масала юзасидан Тошкент шаҳар партия ва шаҳар Совети ижроия комитетларига ёзма равишда мурожаат қилдик. У ердан аризамиз текшириш ва чора кўриш учун яна Фрунзе район Совети ижроия комитетига юборилгани ҳақида хабар олдик. Бир неча кундан сўнг ушбу ташкилотдан райижроком раисининг ободонлаштириш бўйича ўринбосари келди. Одамлар билан суҳбатлашди-да: «Талабингизни, албатта, бажарамиз», — дея навбатдаги ваъдани бериб кетди.

Орадан яна уч ой ўтди. Амалий ишдан эса ҳануз дарак йўқ. Ваъдалар кўп бўлгани билан улар сув ўрнини босолмаяпти. Ёки босиши мумкинми?

Бу саволимизга балки шаҳар Совети ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар аниқ жавоб беришар?

**Ҳабибулло АҲМЕДОВ,**
**Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.**

**Абдураҳмон ХУДОЙБЕРДИЕВ, партия ва меҳнат ветерани.**

**Муҳиддин НУРИТДИНОВ,**
**маҳалла комитети аъзоси ва бошқалар.**

# ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

**● НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида 20 августни Эрон билан Ироқ ўртасида ўт очиш тўхтатиладиган кун, деб эълон қилди.**

**Бу қарор Хавфсизлик Кенгашининг бир йил муқаддам қабул қилинган 598-резолюциясини амалга ошириш йўлида қўйилган дастлабки қадам бўлади. Ана шу резолюцияда саккиз йилдан буён давом этаётган қонли можарода сулҳга эришиш йўллари белгилаб берилган эди. Перес де Куэльяр Эрон билан Ироқни ўт очишни тўхтатиш кучга киргунга қадар иложи борича вазмин бўлиб туришга чақирди, шунингдек, ўзи раҳбарлигида иккала томон ўртасидаги музокаралар 25 август куни Женевада бошланишини маълум қилди.**

**● ГАВАНА. Сальвадор ватанпарварлари август ойининг биринчи ҳафтасида америкапараст Дуарте режими армиясининг 130 га яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар.**

**Чалатенанго ва Усулутан департаментларида режим армияси бўлинмаларининг қўзғолончилар позицияларига қилаётган ҳужумлари бирин-кетин даф этилмоқда. Ватанпарварлар Чалантенанго департаментидаги жанглар давомида «Бельосо» сара батальонидан 11 каллакесарни йўқ қилдилар.**

**● ВАРШАВА. ПХР Министрлар Совети ўз мажлисида мамлакатнинг иқтисодий аҳволини ва 1988 йилнинг биринчи ярмида марказий йиллик план қандай бажарилаётганини таҳлил этди.**

**Биринчи ярим йиллик якунининг таҳлили, дейилади ҳукумат матбуот бюросининг мажлис тўғрисидаги ахборотида, саноат маҳсулоти юксак суръатлар билан ўсаётганлигини ҳамда кўпгина план топшириқларини бажариш ва ҳатто ошириб бажариш мумкинлигини кўрсатмоқда. Саноат маҳсулотининг ўсиши 6,4 процентни ташкил этди, қурилиш корхоналарининг маҳсулоти 6 процент кўп бўлди, фойдаланишга топширилган квартиралар сони ошди.**

**Чамаларга кўра, дон ҳосили асосан экинлар структурасини яхшилаш натижасида, гарчи ўтган йилги рекорд даражадан пастроқ бўлишига қарамай, планлаштирилганидан юқори бўлади.**

**● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ аэронавтика ва космик фазо тадқиқотлари миллий бошқармаси (НАСА) кўп марта фойдаланиладиган «Дискавери» космик кемаси моторларининг старт олдидан энг муҳим синовини тайинлади. Канаверал бурунидаги космодромда эълон қилинишича, мутахассислар носоз узелни алмаштирганларидан кейин шундай қарорга келинган. Ўтган ҳафта ана шу носозлик сабабли синов барбод бўлган эди.**

**● НЬЮ-ЙОРК. Американинг Пенсильвания штатидаги Аллегейни дарёсида пойга қайиқларининг катта мусобақаси ўтказилаётганда бахтсиз ҳодиса рўй берди. Дарёнинг Питтсбург шаҳри яқинидаги участкасида қайиқлардан бири бошқарилмай қолиб, йўлини кескин ўзгартирди ва осмонга кўтарилиб, соҳил бўйига йиғилган томошабинлар устига қулаб тушди. Натижада 24 киши жароҳатланди. Шулардан саккиз киши оғир жароҳатлар билан касалхонага ётқизилди.**

**(ТАСС, 9 август).**

## ШУЛЬЦГА СУИҚАСД

ВАШИНГТОН, 9 август. (ТАСС). Боливия пойтахтида ҳаётига суиқасд қилинган АҚШ давлат секретари Жорж Шульц Ла-Пасдаги матбуот конференциясида гапириб, бунинг учун жавобгарликни «наркотик моддалар савдогарлари ва террорчилар» зиммасига юклади. Боливия ҳукумати бунда наркотик моддалар билан бизнес қилувчи маҳаллий корчалонларни айблади. Ҳукумат ана шу савдогарларга қарши кураш олиб бормоқда. Давлат департаменти расмий вакилининг айтишича, портлаш вақтида Шульц билан бир машинада ўтирган Боливия ташқи ишлар министри Гильермо Бедрегаль Гутьеррес, менинг фикримча, бу хатти-ҳаракат наркотик моддалар билан бизнес қилувчи тўдалар раҳбарларининг қилмишидир, деган.

Американинг телекомпаниялари Шульцга суиқасднинг айрим янги тафсилотлари ҳақида хабар бердилар. Ла-Пас марказига бориладиган йўлда олисдан туриб бошқариладиган бомбанинг портлаши давлат секретарининг зирҳли автомобилидан 30 метр орқада содир бўлди, ҳеч ким яраланмади.

Давлат секретари ўтган кеча, ғоятда қаттиқ хавфсизлик тадбирлари кўрилганидан кейин Боливиядан Коста-Рикага учиб кетди. Коста-Рика Ж. Шульцнинг Лотин Америкаси бўйлаб сафарининг навбатдаги босқичидир.

(ТАСС).

## ЯПОНИЯ: ХОТИРА МАРОСИМИ

**ТОКИО. Ўн минглаб кишилар 9 августда Американинг атом бомбардимони қурбонларини хотирлаш маросимида қатнашиш учун Япониянинг Нагасаки шаҳридаги Тинчлик боғида ўрнатилган ёдгорлик олдига келдилар.** Бундан 43 йил муқаддам тупроқни қовжираган ерга, биноларни — вайронага, одамларни куйдириб кулга айлантирган ядро қуюнидан 75 мингдан кўп одам ҳалок бўлган эди. Атом бомбаси портлаган — соат 11 дан 02 минут ўтганда шаҳар узра «Тинчлик қўнғироқлари» жаранги янгради, заводлар ва кемалар гудок чалди. «Нагасаки атом фожиасини бошидан кечирган сўнгги шаҳар бўлиб қолсин», — деб таъкидланади шаҳар бошлиғи Х. Мотосиманинг мурожаатномасида.

(ТАСС).

## МУНОЗАРА ДАВОМ ЭТМОҚДА

**НЬЮ-ЙОРК. БМТнинг мустамлакачиликни тугатиш махсус комитети сессиясида мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни бажариш ҳақидаги мунозара давом этмоқда.** Унда Намибиядаги аҳвол муҳокама қилинмоқда. Намибия халқи декларация қабул қилингандан кейин кўп йиллар ўтган бўлса ҳам ҳамон Жанубий Африка Республикаси ирқчилар режимининг ғайриқонуний оккупацияси зулми остида яшамоқда.

Шу кунларда Югославия, Хитой, Эфиопия, Танзания, Куба, бошқа қўшилмаган ва социалистик мамлакатлар вакилларининг нутқларида БМТнинг Намибияга мустақиллик бериш тўғрисидаги қарорини бажаришга эришиш талаблари қатъият билан янграмоқда. Бу қарорни Ғарб мамлакатлари мададини сезиб турган Жанубий Африка Республикаси жаҳон ҳамжамиятини менсимай 1966 йилдан буён бажармай келмоқда.

(ТАСС).

# ЗОТ — АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

АССРда ўткир масала бўлиб турибди. Уларни қуришда демографик вазият ҳисобга олинмаётгани аҳволни янада мушкуллаштираётир. Айрим областларда мактабгача тарбия муассасаларининг 40 процентдан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлаштирилган, атиги 12,3 процентида иссиқ сув, 16,7 процентида канализация бор. Тарбиячилар орасида махсус билимга эга бўлганлар озчиликни ташкил этади. Клублар ва маданият саройлари фаолиятида ҳам аёллар ўртасида мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш етишмайди.

ЮҚОРИДА келтирилган катта камчилик ва нуқсонлар, партия комитетлари ва совет органлари, тегишли хўжалик ташкилотлари ҳамда корхоналар, колхоз, совхоз ва бошқа ишлаб чиқариш коллективлари раҳбарларининг бепарволиги, лоқайдлиги, социал жиҳатдан заиф ҳимояланганлик ва оиладаги бой-феодалларча муносабатларга қарши туриш қобилиятига эга бўлмаслик, эри ва ота-онага моддий қарамлик, ор-номус ва қадр-қимматни оёқ ости қилиш ҳоллари — ана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, хотин-қизларнинг ижтимоий ва социал активлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, уларда иложсизлик кайфиятини туғдирмоқда, ҳатто ўз жонига суиқасд қилишга олиб келмоқда.

Статистика маълумотлари далолат беришича, 1987 йилда республикада 143 та, 1986 йилда 132 та ўзига-ўзи ўт қўйиш содир бўлган. Бундай мудҳиш воқеа Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Бухоро, Андижон, Навоий областлари ва Қорақалпоғистон АССРда содир бўлган. Ўтган йили бундай фожианинг энг кўпи Самарқанд, Ғузор, Китоб, Пайариқ, Жиззах районларида учраган ва у ҳамон камаймаяпти. Мазкур районларнинг партия ва маъмурий органлари оператив чора-тадбир кўрмайдилар, масалага юзаки ёндашадилар, ўзига-ўзи ўт қўйишга кўпинча тасодифий ҳол деб қарайдилар.

Кўнгилсиз воқеалар содир бўлаётган қатор жойларда хотин-қизлар орасида мақсадга йўналтирилган тарбиявий иш олиб борилмайди, ўзини-ўзи ёқиб юборишдек шармандали ҳолга қарши курашнинг ягона комплекс системаси йўқ. Юқорида саналган областлар ва Қорақалпоғистон АССРда ғоявий-тарбиявий ишлар фожиа олдини олишга қаратилмаган, одатда бўлар иш бўлгандан кейин чора-тадбирлар кўриш, югур-югур, сўраб-суриштиришлар бошланади. Кўпинча аёлни ўз жонига қасд қилишга олиб борган ҳақиқий сабаблар очилмай қолади. Аҳолида шу мудҳиш қадамни қўйишга мажбур қилганлар муқаррар жазоланишига ишонч йўқ, бунинг устига айбдорларни жазога ҳукм қилишда ошкоралик таъминланмайди.

Жиноий ишлар ва тергов материаллари таҳлилининг кўрсатишича, ўзига-ўзи ўт қўйишга асосан оилавий-маиший келишмовчиликлар: эрнинг рафиқасига нотўғри муносабати, ота-она, қариндошлар, қўшнилар билан уришиб қолиш, иш ва ўқиш жойидаги низо, шахсий ҳаётдаги муваффақиятсизлик, ор-номусни сақлаш моҳиятини тўғри тушунмаслик, касаллик ва руҳий бетоблик сабабчи бўлади.

Воқеа содир бўлган оилаларда бўлиб, фактлар ўрганилганда, баъзи жойларда патриархал турмуш уклади қайта туғилгани, аёлларга нисбатан бой-феодалларча муносабат ҳадиксиз равнақ олаётгани, аёлнинг қадр-қиммати поймол этилаётгани, бағритошлик қилинаётгани, социал адолат принциплари, аёлларнинг конституцион ҳуқуқлари бузилаётгани маълум бўлди. Бу, пировард натижада, лоқайдлик ва маънавий қашшоқликка, ҳуқуқий ва санитария-маърифий билимга эга бўлмаган кўпгина қишлоқ аёлларини иложсиз аҳволга солиб қўйишга олиб келмоқда. Айниқса, эндигина турмушга чиққан келинчак оғир, кўпинча фожиали аҳволга тушиб қолаётир.

Турмушнинг оғир шароитлари, дилозорликлар, ёш келинларга жисмоний азоб бериш уларда умидсизликни туғдиради. Борди-ю, улар бунга қарши турсалар, атрофдагилар, ҳатто қизнинг ўз ота-онаси вазиятни соғломлаштириш чорасини кўриш ўрнига, муштипарни койийдилар, мутэликка даъват этадилар.

Таҳқир, ҳақоратларга ортиқ чидай олмаган, қадр-қиммати, оналик шарафи топталган аёл ўзича норозилик билдиришнинг ягона йўли — ўзига-ўзи ўт қўйиш фикрига келади. Бу билан аёл ўзини шу аҳволга солганларни пушаймон қилдирмоқчи, ўзига раҳм-шафқат тиламоқчи бўлади. Бир қатор социолог-олимлар ва психиаторларнинг фикрича, айни шу фикр-ўй аёлни ҳалокатли қарорга олиб келади.

АЁЛЛАР орасида олиб бориладиган планли, мақсадга йўналтирилган иш ўрнига баъзан навбатдаги дабдабали тадбир билан чегараланилади. Қонунчиликка риоя қилиш устидан назоратсизлик, кўпгина маҳаллий Советлар, ҳуқуқ-тартибот органларининг номатлуб воқеаларни бости-бости қилиб юборишлари ва бунга бир қатор ҳолларда партия комитетларининг эътибор бермасликлари аёлларнинг конституцион, гражданлик ҳуқуқлари бузилишига, уларнинг социал манфаатлари тўла қаноатлантирилмаслигига олиб келмоқда.

Айрим партия ва совет органлари вакиллари, хўжалик раҳбарларининг бағритошлиги ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Хотин-қизлар уларга мурожаат этиб, тегишли ёрдам ёки кўмак олмаганликлари хусусида фактлар кўп.

Қашқадарё областининг Китоб районидаги Куйбишев номли мактаб ўқитувчиси А. Ашурова ўзига-ўзи ўт қўйиш билан ҳаётига суиқасд қилган. Бу аёлни спиртли ичимликка муккасидан кетган эри узоқ вақт ҳақоратлаб, таҳқирлаб, калтаклаб келгани терговда аниқланган. Бу хусусда А. Ашурова эри ишлаб турган «Ҳужум» фабрикаси директори, КПСС аъзоси И. Ражабовга, участка инспектори Чоршанбиевга шикоят билан мурожаат қилган. Шунга қарамай, профилактика маъносида ҳеч қандай чора-тадбир кўрилмаган. Оқибатда навбатдаги таҳқир-ҳақоратдан сўнг ўқитувчи аёл ўзини-ўзи ёқиб юборган. Ғузор районидаги Ёрқинчи қишлоқ Советига ҳеч қаерда ишламайдиган,ароқхўр, доим калтаклайдиган эри устидан икки марта шикоят билан мурожаат қилган ўқитувчи Г. Иброҳимова ҳам ҳимоя топмай, ўзини ўтга топширган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Лекин шунинг ўзиёқ ҳар бир мудҳиш воқеа ортида конкрет сабаблар борлиги ва у аёл тақдирига лоқайд, тошбағир муносабат оқибати эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзига-ўзи ўт қўйиш ҳоллари илдизини қуритишда ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Аммо улар хотин-қизларни ҳалокатли қадам қўйишга мажбур қилаётган воқеалар олдини олиш чора тадбирлари кўришни таъминламаётирлар. Нотинч оилалар билан иш олиб борилмайди. Бунга жамоатчилик суст жалб этилади, ошкоралик таъминланмайди, воқеа атрофида жамоатчилик фикри туғдирилмайди.

Ишларни кўриб чиқаётганда область, район, шаҳар прокурорларида принципиаллик ва масъулиятни ҳис этиш етишмайди. 1987 йилда 143 та ўзига-ўзи ўт қўйиш воқеасидан 83 таси бўйича жиноий иш қўзғатишга розилик берилмаган, 31 таси бўйича иш тўхтатилган ва фақат 23 та факт бўйича ишлар судга оширилган. Баъзан прокуратуранинг область органлари аёлнинг ўзини-ўзи ёқиб юборишида айбдор бўлган шахсларнинг «ўзи руҳий касал эди» деган тахминий фикрларини ҳам инобатга оладилар. Бундай važ-карсон амалиётнинг кўрсатишича, кўпгина инстанцияларга хуш келади. Бухоро область прокуратурасининг маълумотлари бўйича 1986-1987 йилларда ўзига-ўзи ўтган қўйган 38 аёлдан 9 нафари руҳий касалликлар диспансери ҳисобида туради ёки қариндошларининг айтишича, руҳий касалликка учраган эмиш. Ваҳолонки, ҳақиқатда руҳий касалликлар диспансери ҳисобида бир аёлгина бор экан. Область прокуратурасида қатор ҳолларда ўлим топган аёлларнинг руҳий ҳолати тўғрисида диспансерларнинг справкаси бўлмаган, фақат қариндошлар ва қўшниларнинг гувоҳлик беришларига қараб, масъулиятсизларча хулоса чиқарилаверган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ва социал активлигини ошириш масалалари, муаммони ўткирлаштираётган тўғаноқлар хусусида маҳаллий матбуот органлари жиддий, принципиал материалларни босиб чиқармаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси яқинда бўлиб ўтган мажлисида шу муҳим ҳаётий масалани кўриб чиқиб, хотин-қизларни республиканинг иқтисодий, социал ва ижтимоий турмушига актив жалб этишга доир доимий ишни қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларидан бири, деб уқтирди. Мазкур ишни кучайтириш юзасидан аниқ-равшан чора-тадбирлар белгиландики, уларни собитқадамлик билан амалга ошириш — партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз органлари, республика комсомоли, министрликлар ва идораларнинг, ҳуқуқ-тартибот органлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг энг долзарб бурчларидандир.

Биз ҳаммамиз аёл зотидан дунёга келганлигимизни сира унутмайлик! Ажойиб ёзувчимиз Николай Островский таърифлаганидек, дунёда гўзал ва азиз зот — бу онадир. Биз ундан ҳамиша қарздормиз.

